

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2024 йил июнь ойининг 25 куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья: ХХХ, судлов ҳайъати судьялари ХХХ ва ХХХдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси ХХХнинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори ХХХ, маҳкум ХХХнинг ҳимоячиси адвокат ХХХнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2021 йил 9 ноябрдаги ҳукмига кўра судланган,

ХХХ 17.12.1992 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, партиясиз, депутатликка сайланмаган, муқаддам ЖИБ Нишон туман судининг 05.05.2014 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «е,к» бандлари ва 277-моддаси 2-қисми «б,в» бандлари билан 5 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қўлланилиб, 2 йил синов муддати тайинланган, судланганлик муддати тугалланган, ХХХда истиқомат қилган, айблов хулосаси нусхасини 14.09.2021 йилда олган, жиноят иши бўйича 26.07.2021 йилдан қамоқда сақланаётган га

нисбатан чиқарилган ҳукмдан норози бўлиб маҳкумнинг адвокати томонидан келтирилган кассация шикоятига асосан №1-1003-2105/517-сонли жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ХХХга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “л” бандига асосан ЎН БЕШ йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 109-моддаси 2-қисмига асосан БИР йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган асосий жазоларни қисман қўшиш йўли билан ЎН БЕШ йил ИККИ ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.



Суд ҳукмига кўра, О.Қ.Холмирзаев 2021 йил 24 июль куни соат тахминан 23:00 лар чамаси, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Гулбозор” маҳалласи, Зарқайнар кўчаси орқали «Чорсу» деҳқон бозори орқа қисмида жойлашган автотураргоҳга кириш қисмидаги йўлакчада фуқаро Мухаммадиев Жамол Улашович билан дастлаб яхши муносабатда гаплашиб, Ж.Мухаммадиев улар Д.Саидова билан оила қуролмаслигини, уни тинч қўйишини айтиб тушунтирганида рози бўлиб, ўзаро қўл ташлашиб хайрлашган бўлсада, безорилик оқибатида ўзининг ёнида бўлган ошхона пичоғи билан қуролланиб, фуқаро Ж.Мухаммадиевни қасддан ўлдириш мақсадида кўлидаги пичоқ билан Ж.Мухаммадиевнинг кўкрак ва қорин қисмига бир неча маротаба уриб уни қасддан ўлдирган.

Бундан ташқари ХХХ 2021 йил 24 июль куни соат тахминан 23:00 лар чамаси, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Гулбозор” маҳалласи, Зарқайнар кўчаси орқали «Чорсу» деҳқон бозори орқа қисмида жойлашган автотураргоҳга кириш қисмидаги йўлакчада бўла туриб, таниши Саидова Дилрабо Умаровна билан ўзаро келиб чиққан жанжал сабабли, ўзининг ёнида бўлган ошхона пичоғи билан Д.У.Саидованинг кўкрак қисми, ўнг елка ва биллак соҳаларига бир неча маротаба уриб, қасддан Д.Саидованинг соғлигининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказган.

Ҳимоячи ХХХ кассация шикоятда, суд томонидан иш кўришда ЖПК моддалари талабларига риоя қилинмаганлиги, ҳукм чиқаришда судланган ва гувоҳларнинг кўрсатувлари инobatга олинмаганлиги, жиноятнинг сабабчиси Ф.Саидова эканлиги, унинг ўз айбига иқроор ва жиноятни тан олганлиги инobatга олинмасдан унга нисбатан оғир жазо тайинланганлиги, жабрланувчининг оғир ҳақорати туфайли кучли руҳий ҳаяжонланишда жиноят содир қилинганлиги, шуларни инobatга олиб унинг ҳаракатларини ЖК 98-моддасига қайта малакалашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья ХХХнинг маърузасини, прокурор ХХХнинг шикоятни қаноатлантирмасдан ҳукмни ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, маҳкум ХХХнинг ҳимоячиси адвокат ХХХнинг шикоятни қаноатлантиришни сўраши ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Маҳкум ХХХнинг суд ҳукмида баён этилган жиноятларни содир этганликдаги айби, ўзининг айбига қисман иқроорлик билдириб кўрсатув берган бўлсада, жабрланувчи Д.Саидова, жабрланувчининг қонуний вакили М.Мухаммадиев, гувоҳ Ф.Саидова, Т.Хасанов ва бошқаларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, шунингдек, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, фотожадваллар, воқеа жойидан далилий ашё тариқасида олинган ошхона пичоғи, уни кўздан кечириш баённомаси, ўтказилган юзлаштириш баённомаси, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомаси, судга оид тиббий, биологик,



криминалистик экспертиза хулосалари билан ҳамда суд мажлисида тўлиқ, холисона ва ҳар томонлама синчковлик билан текширилган далиллар билан тўлиқ исботланган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланган ХХХнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси 2-қисми “л” банди ва 109-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланган ХХХга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг талабларига риоя қилиб, енгиллаштирувчи ҳолат аниқланмаганлиги, уни мазкур жиноятини ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиб, жиноятнинг оғирлик даражаси ва хусусиятини инобатга олиб, унга у айбли деб топилган моддалар санкцияси доирасида озодликдан махрум қилиш жазоси тайинлаб тўғри хулосага келган.

Судлов ҳайъати шикоятда келтирилган важларни муҳокама қилиб, туман суди томонидан иш ҳолатлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаби асосида синчковлик билан тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқилиб, судланувчининг жиноий ҳаракатларининг квалификация масаласида, яъни «Чорсу» деҳқон бозори орқа қисмида жойлашган автотураргоҳга кириш қисмидаги йўлакчада, бошқалар бор жамоат жойида жиноят содир қилганлиги учун ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “л” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Судланувчи билан жабрланувчи ўзаро келишиб хайрлашиб кетганидан кейин судланувчи олдиндан ўзи билан олиб келган пичоқ билан бир неча бор жабрланувчига уриб уни қасддан ўлдирган, бунга эса кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир қилинган деб баҳолаб ва шикоятдаги унинг ҳаракатларини ЖК 98-моддасига қайта малакалаш ҳақидаги важлар билан келишиб бўлмайди.

Шунингдек, туман суди томонидан судланувчи ХХХга жазо тайинлашда ишдаги барча енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, қилмишига яраша адолатли жазо тайинлаган, тайинланган жазони ЖК 57-моддасини қўллаб янада енгиллаштириш учун ишда асослар топилмади деб ҳисоблайди.

Шикоятда келтирилган важлар шулар билан инкор қилинади.

Бундай ҳолатда суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар топилмади деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 509^{9,10}-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2021 йил 9 ноябрдаги XXXга нисбатан ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Тошкент шаҳар судига тафтиш тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья: XXX

Судлов ҳайъати судьялари: XXX

XXX

